

Онтариода ислом маданияти оyi нишонланмоқда



17:33 / 23.10.2018 1987

Уч йилдан буён – ҳар йили октябрь ойида Канаданинг Онтарио провинциясида ислом мероси оyi нишонланиб келинади. Бу ҳақда About Islam нашри хабар берди.

Анъанага мувофиқ бу йил ҳам шундай бўлди. Оттава муслималари ташкилоти (Ottawa Muslim Women's Organization)нинг айтишича, ушбу акциядан кўзланган мақсад, ислом маданиятини оммалаштириш, дин масалалари ва мусулмонларнинг яшаш тарзи ҳақида маҳаллий аҳолининг дунёқарашини ўзгартиришдан иборат. Хусусан, мазкур акция ташкилотчиси ҳам Оттава муслималари ташкилоти (Ottawa Muslim Women's Organization) ҳисобланади.



Шунингдек, дастурдан бадий кўргазмалар, қўлга хинадан нақшлар тушириш амалиёти, муслмонларнинг анъанавий миллий кийимларидаги йиғилиш, зиёли инсонлар билан учрашувлар ўрин олган. Аммо тадбирнинг энг муҳим воқеаси «Ислом маданияти: Ҳиндистон ва Яқин Шарқ» (2007) ҳужжатли фильмининг намоиш қилиниши бўлади. Унда адабий танқидчи Вальдемар Янушчак ислом тасвирий ва меъморчилик санъатининг ажойиб тарихи ва нафосатини тадқиқ қилади. У билан бирга томошабин дунёнинг ўрта асрлар харитасида ислом қандай қилиб тарқалиб боргани ҳақида тасаввурга эга бўлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, айти пайтда Канадада муслмонлар сони бир миллиондан ортган.

Islom.uz портали таҳририяти